

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА АУДИТНИНГ
МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ: УЛАРНИ
УЙГУНЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Умарова Шахноза Келдиёр қизи

Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторанти

shahnozaumarova09051995@gmail.com

+998-97-917-09-05

Аннотация: мақолада аудитнинг халқаро ва миллий стандартлари илмий жиҳатдан талқин қилинган. Халқаро ва миллий аудит стандартларининг ўзаро ўхшиашликлари ва фарқи илмий жиҳатдан асослаш, уларни уйгунлаштиришига қаратилган таклифлар берилган.

Калим сўзлар: аудит, аудит стандартлари, аудитнинг халқаро стандартлари, аудитнинг миллий стандартлари, аудитнинг стандартларини уйгунлаштириши.

Аннотация: в статье раскрыты особенности международных и национальных стандартов аудита. В научном плане обоснованы различия международных национальных стандартов аудита. Даны рекомендации по интерпритации.

Ключевые слова: аудит, аудитные стандарты, международные стандарты аудита, национальные стандарты аудита, интерпритация стандартов аудита.

Annotation: in the article national and international standards on auditing were stated in scientific way. There were represented common sides and differences between national and international standards on auditing and given recommendations for making compatibility them.

Key words: audit, auditing standards, international standards on auditing, national standards on auditing.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, барча соҳалардаги каби иқтисодиётда ҳам туб ўзгаришлар содир бўлди. Бу даврда иқтисодиётнинг барқарорлашувини, глобаллашувини ва жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини таъминлаш долзарб масалаларга айланди. Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам ўз ўрнига эга, хорижий корхоналар билан рақобат қила оладиган бўлишлари керак. Шу ўринда эътироф этиш керакки, Президентимиз томонидан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжатнинг ”Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишари”да макроиқтисодий барқарорликни янада мустакамлаш ва иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш вазифаси белгиланган.¹ Ушбу масалаларни ижобий ҳал қилиниши турли мулкдаги корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиниши ва аудиторлик текширувини ўтказишида халқаро талаблар асосида юритилишини тақазо этади.

Аудиторлик текширувлари махсус меъёрий ҳужжатлар, шу жумладан аудиторлик фаолиятига оид миллий стандартлар(АФМС) асосида амалга оширилади. Аудиторлик стандартлари – бу аудиторлик текширувлариға қўйилган тартиб-қоидалар мажмуудир. Улар доимий равища тақомиллаштирилиб, халқаро талабларга мослаштирилмоқда. Шу боис аудитнинг миллий стандартларини халқаро стандартларга уйғунлаштириш масаласи ўта долзарб ҳисобланади. Шу ўринда табиий равища савол келиб чиқади: “Аудитнинг халқаро стандартларини тўғридан-тўғри мамлакатимиз корхоналарини текширишда қўллаш мумкинми?” Бизнингча ушбу жараёнда аудитнинг халқаро стандартларини иқтисодиётимиздаги хусусиятларни эътиборга олмасдан туриб қўллаш ижобий натижаларни бермайди. Сабаби, иқтисодиётимизнинг таркибий ва мулкий тузилиши, ушбу соҳадаги мутахассисларнинг билим савияси ва корхоналарнинг халқаро миқёсида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони 2017 йил 7 феврал – “Халқ сўзи” 2017 йил 8 феврал www.tadqiqotlar.uz

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

тутган ўрни ҳам турлича. Шунинг учун аудиторлик текширувларини ўтказиш жараёнларини халқаро стандартларга босқичма-босқич ўтиш ёки уларни уйғунлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Аудиторлик стандартларида текширувларни ўтказишга ёндошув, текширув объектларини аниқлаш, унинг усул ва услубиятини шакллантириш, шунингдек, аудиторлар риоя қилиши керак бўлган тамойиллар мужассамлашган бўлади. Меъёрий хужжатлар ва маҳсус адабиётларда аудиторлик стандартларининг аҳамияти қуидагича ифодаланган²:

- аудиторлик текширувининг юқори сифатини таъминлайди;
- аудиторлик амалиётига янги илмий ютуқларни жорий қилишга имкон беради;
- фойдаланувчиларга аудиторлик текшируви жараёнини тушунишга ёрдам беради;
- касбнинг ижтимоий аҳамиятини (имиджини) шакллантиради;
- назорат тизимининг самарадорлигини оширади;
- аудитор ва мижоз ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштиради;
- аудиторлик жараёнининг самарадорлигини таъминлайди.

Аудиторлик стандартларини ишлаб чиқиши маълум тарихий даврни ўз ичига олади. Маълумки, 1977 йилда Халқаро бухгалтерлар федерацияси қошида Халқаро аудит амалиёти қўмитаси (International auditing practices committee) ташкил этилган бўлиб, ушбу қўмита томонидан аудитнинг дастлабки халқаро стандарти ишлаб чиқилди. Кейинчалик, ушбу ташкилот томонидан миллий аудиторлик тамойиллари умумлаштирилиб сармоядорлар ва кредиторлар талабларига мос келадиган халқаро аудит стандартлари яратилди.

²Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари, Дустмуродов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик. – Т.: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси”, 2003, Мусаев Ҳ.Н. Аудит. Дарслик. – Т.: “Молия”, 2003, Тулаходжаева М.М., Илхомов Ш. И. Аудит. Ўқув қўлланма. Тошкент иқтисодиёт университети. Т., 2005.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни, жумладан, иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ва мамлакатларда инвестицион мухитни яхшилашда муҳим восита сифатида хизмат қила бошлади. Ўзбекистон ҳам аудитнинг халқаро стандартлари талаблари асосида миллий стандартлар ишлаб чиқиши киришилди. Республикаизда аудитнинг дастлабки миллий стандарти (АФМС) 1999 йилда яратилган.[2] Ююқорида келтирилганидек, ушбу жараён ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда.

Аудитнинг миллий ва халқаро стандартларида ўхшашиклар ва тафовутлар мавжуд. Уларни қуидагича ифодалаш мумкин (1- жадвал):

1-жадвал

Аудитнинг халқаро ва миллий стандартларидағи ўзаро бөғлиқликлар ва фарқлар

Аудитнинг халқаро стандартлари	Аудитнинг миллий стандартлари
100-АХС. Халқаро аудит стандартлари ва турдош хизматларга изоҳ	
100-АХС. Аудиторлик фаолиятининг концептуал асослари	
110-АХС. Атамалар глоссарийси	
200-АХС. Молиявий ҳисоботнинг аудитини тартибга солувчи умумий тамойиллар ва унинг мақсади	
210-АХС. Аудит текширувини ўтказиш бўйича мажбурият хати	
220-АХС. Аудит текшируvida сифат назорати	5-сон "Аудитор иши сифатини назорат қилиш" номли аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (АФМС)
230-АХС. Ҳужжатлаштириш	6-сон "Аудитни ҳужжатлаштириш"

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

	номли АФМС
240-АХС. Хато ва фирибгарлик	24-сон “Молиявий ҳисоботнинг чалкашликлари аниқланганда аудиторлик ташкилотининг иш тутиши” номли АФМС
250-АХС. Молиявий ҳисоботлар аудити бўйича қонун ва меъёрий ҳужжатлами кўриб чиқиш	25-сон “Аудиторлик текшируви ўтказилаётганда меъёрий-хуқуқий ҳужжатларга риоя етилишини текшириш” номли АФМС
300-АХС. Аудитни режалаштинш	3-АФМС. Аудитни режалаштириш
310-АХС. Мижоз бизнесини билиш	31-сон "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти билан танишиш" номли АФМС
320-АХС. Муҳимлик	9-сон "Муҳимлилик ва аудиторлик таваккалчилиги" номли АФМС
400-АХС. Аудит риски ва мижоз ички назорат тизимини ўрганиш	
401-АХС. Маълумотлами електрон қайта ишлаш шароитида аудит	11-сон "Маълумотларга компьютер ёрдамида ишлов бериш (МКИ) шароитида аудит" номли АФМС
500-АХС. Аудит далиллари	50-сон "Аудиторлик далиллар" номли АФМС
510-АХС. Молиявий ҳисоботлами би-ринчи бор текширганда дастлабки қолдиқлар (салдолар) нинг тўғрилиги юзасидан аудитор жавобгарлиги	
520-АХС. Таҳлилий амаллар	13-сон "Таҳлилий амаллар" номли АФМС
530-АХС. Аудитда танлаб текшириш услуби	14-сонли "Аудиторлик танлаш" АФМС

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

540-АХС. Ҳисоб баҳолашлари (таксинлари)нинг аудити	
550-АХС. Боглиқ (манфаатдор) тарафлар	55-сон “Ўзаро баглиқ шахслар ўртасидаги битимлар бўйича аудиторлик далилларини олиш таомиллари” номли АФМС
560-АХС. Перспектив (келгуси) молиявий ҳисоботлар юзасидан аудит текшируви	56-сон “Молиявий ҳисобот тузилган санадан кейинги ҳодисалар” номли АФМС
570-АХС. Узлуксиз фаолият	
580-АХС. Раҳбарият тушунтириш (изоҳ) хати	
600-АХС. Бошқа аудиторлар иш натижаларидан фойдаланиш	60-сон “Бошқа аудиторнинг иш натижаларидан фойдаланиш” номли АФМС
610-АХС. Ички аудитор иши натижаларидан фойдаланиш	
620-АХС. Експерт хизматидан фойдаланиш	16-сонли "Експерт ишидан фойдаланиш" АФМС
700-АХС. Молиявий ҳисоботлар юзасидан аудитор хуносаси (ҳисботи)	70-сон "Молиявий ҳисбот тўғрисида аудиторлик ҳисботи ва аудиторлик хуносаси" номли АФМС
720-АХС. Текширувдан ўтган молиявий ҳисботларда мавжуд бўлган бошқа тур маълумотлар	10-сон "Молиявий ҳисбот таркибидаги бошқа маълумотлар" номли АФМС
800-АХС. Аудитоминг маҳсус ҳисботи	80-сон "Махсус савонни текшириш натижалари бўйича аудиторнинг ҳисботи" номли АФМС
	90-сон "Аудиторлик ташкилотларининг касбга доир

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, республикамиздаги аудитнинг миллий стандартлари халқаро стандартларга тўлиқ мос келмайди. Жумладан, аудитнинг халқаро стандартлари таркибида 100-АХС “Аудиторлик фаолиятининг концептуал асослари”, 200-АХС “Молиявий ҳисоботнинг аудитини тартибга солувчи умумий тамойиллар ва унинг мақсади”, 210-АХС “Аудит текширувини ўтказиш бўйича мажбурият хати”, 510-АХС “Молиявий ҳисоботлами биринчи бор текширганда дастлабки қолдиқлар (салдолар) нинг тўғрилиги юзасидан аудитор жавобгарлиги”, 540-АХС “Ҳисоб баҳолашлари (тахминлари)нинг аудити”, 570-АХС “Узлуксиз фаолият”, 580-АХС “Раҳбарият тушунтириш (изоҳ) хати”, 610-АХС “Ички аудитор иши натижаларидан фойдаланиш” каби стандартлар мавжуд. Миллий аудит стандартлари таркибида эса улар мавжуд эмас.

Республикамиз корхоналарига хориж инвестицияларнинг кенг жалб қилиниши ва хорижий инвеститсиялар иштироқидаги корхоналарнинг ташкил этилиши ушбу хўжалик субъектларида аудиторлик текширувларини халқаро стандартлар талаблари асосида амлга оширишни тақозо қиласди. Ушбу масалани ижобий ҳал этиш республикамиздаги аудиторлик фирмаларининг дунё миқёсидаги мавқеини оширади ва ушбу фирмалар томонидан хорижий мамлакатлардаги қўшма корхоналарнинг фаолиятини текширишга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича. Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони 2017 йил 7 феврал – “Халқ сўзи” 2017 йил 8 феврал.
2. Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари.
3. Дустмуродов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик. – Т.: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси”, 2003.
4. Мусаев X.Н. Аудит. Дарслик. – Т.: “Молия”, 2003.
5. Тулаходжаева М.М., Илхомов Ш. И. Аудит. Ўқув қўлланма. Тошкент иқтисодиёт университети. Т., 2005.